



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
2002 йил 29 октябр, сешанба №170 (1387)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ҳамда Ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантиришнинг, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга меҳр-мухаббатни синдиришнинг гоят муҳим шарти сифатида болалар оммавий спортини ривожлантиришни таъминлаш мақсадида:

1. Ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, ноҳукумат жамоат ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.
2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси барча, шу жумладан, хорижий ташкилотлар, уюшмалар, компания ва фирмаларнинг, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг иштирок этишлари учун очик бўлган халқаро ноҳукумат жамоат ташкилоти ҳисобланади.
3. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳрида, мамлакат шаҳар ва туманларида Жамғарма бўлимларини очиб мақсада мувофиқ деб топилсин.
4. Қўйидагилар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблагларининг асосий манбалари этиб белгилансин:
 - давлат бюджети /республика ва маҳаллий бюджетлар/ маблаглари;
 - Жамғарма муассисларининг пул бадаллари;
 - Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари, ташкилот ва клубларнинг пул маблаглари;
 - хорижий мамлакатлар, халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтларнинг грантлари ва улар томонидан бериладиган бегараз ёрдам;
 - хўжалик юритувчи субъектлар, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ҳам, норезидентлари ҳам бўлиши юридик ва жисмоний шахсларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалари ва ҳомилик маблаглари;
 - Жамғарма фаолиятидан, шунингдек, Жамғарма олдига қўйилган вазифаларини ҳал этиш мақсадида у таъсис қилган корхона ва ташкилотларнинг фаолиятидан олинган даромадлар;
 - қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.
5. Белгилансинки, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси:
 - ташкилоти иқтисодий ва халқаро спорт фаолиятини амалга ошириш, банкларда миллий ва хорижий валюталарда ҳисобварақлар очиб хуқуққа эга;
 - унинг низомидаги мақсад ва вазифаларга қатъийн мувофиқ бўлган асосий фаолият турлари бўйича барча турдаги соликларни, боҳжона тўловлари /боҳжонада расмийлаштириш учун туланадиган йигирмир бундан мустақон/ ҳамда давлат бюджетига ўтказиладиган бошқа мажбурий тўлов ва йигирмаларни тўлашдан озод қилинади.
 - Мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик шахсларнинг, шунингдек, жисмоний шахсларнинг таъсис бадаллари ёки ҳомилик ёрдами тарзида Жамғармага ўтказиладиган маблаглари солиққа тортиш базасидан чиқарилади.
 - Жамғарманинг тижорат ва билан-воситачилик фаолияти билан шуғулланиши истисно этилади.
 - 6. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, компаниялар, уюшмалар ҳамда бошқа хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини қўллаш мақсадида мажбурий ҳал қилуви деб ҳисоблансин.
 - 7. «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирлашга ҳамда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонлари беришига номзодларни тақдим этиш чоғида Жамғарма Вазирлик кенгашининг фикри ҳал қилуви деб ҳисоблансин.
 - 8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, бошқа оммавий ахборот воситалари Жамғарма фаолиятини кенг қўллашда ёрдамчи бўлишига бошқарув билан ушбу мақсадга қўйилган ишдаги ижобий таъбирдани тарғиб қилинсинлар, шунингдек, Жамғарманинг фаол ҳомиюлари ахборот жўханди қўллаш-қуватланишини, шу жумладан, реклама қилинишини таъминласинлар.
 - 9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2002 йил 24 октябр

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ВЕНГРИЯ САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 27 октябр кўни расмий ташриф билан Венгрия республикасига жўнаб кетди.



Москвада террорчиликнинг тинч аҳолини қатталари билан террорчилик билан боғлиқ воқеаларга ҳам муносабат билдирди.

Давлатимиз раҳбари Венгрияга жўнаш олди-дан Тошкент аэропортида журналистларга интервью берди.

«Охириги бир-икки ой ичида Ўзбекистоннинг ташқи алоқа жўрофиясига назар ташлайдиган бўлсак, даставвал Литвага сафар уюштирилди, деди Ислам Каримов. Сўнгра Полша Президенти мамлакатимизга келиб кетди. Бу давлатлар билан ўзаро манфаатли, хусусан, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Венгриянинг саноат, иқтисодиёт, айниқса, қишлоқ хўжалик соҳасида эришаётган ютуқлари катта. Ташрифимиз чоғида унинг қишлоқ хўжалиги борасида эришаётган ютуқлари билан ҳам батафсилроқ танишиш ва шу соҳадаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгрок йўлга қўйиш ниятидамиз.

Президент Ислам Каримов Москвада ўз берган террорчилик билан боғлиқ воқеаларга ҳам муносабат билдирди.

«Москвада террорчиликнинг тинч аҳолини қатталари билан террорчилик билан боғлиқ воқеаларга ҳам муносабат билдирди.

Москвада террорчиликнинг тинч аҳолини қатталари билан террорчилик билан боғлиқ воқеаларга ҳам муносабат билдирди.

Москвада террорчиликнинг тинч аҳолини қатталари билан террорчилик билан боғлиқ воқеаларга ҳам муносабат билдирди.

Москвада террорчиликнинг тинч аҳолини қатталари билан террорчилик билан боғлиқ воқеаларга ҳам муносабат билдирди.

БУДАПЕШТДАГИ УЧРАШУВЛАР

28 октябр. Будапешт. (ЎЗА махсус муҳбири Анвар Бобоёев хабар қилади).

Бугун эрталаб Венгрия парламентининг ҳашаматли биноси олдидаги «Кошута» майдонида Президент Ислам Каримовни расмий қўтиб олиш маросими бўлди. Икки давлат мадҳиялари янгради. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди.

Президент Ислам Каримов ҳамда Венгрия раҳбари Ференц Мадлнинг яккама-якка учрашувида икки ва кўп томонлама муносабатлар, қатор халқаро ва минтақавий муаммолар муҳокама қилинди. Халқаро микёсдаги масалаларга Ўзбекистон ва Венгриянинг муносабатлари уйғунли-

ги таъкидланди. Евроатлантик ҳамда Марказий Осиё минтақаларида хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсада мувофиқлиги таъкидланди. Президентлар БМТ, ЕХТТ ва бошқа халқаро ҳамда минтақавий тузилмаларда доирасида ҳамжиҳат ҳаракатлари янада фаоллаштиришга келишиб олди.

Мулоқот чоғида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун улкан фаолият майдони мавжудлиги таъкидланди. Бунинг учун икки мамлакатнинг имконияти ва салоҳиятини тўлароқ ишга солиш зарур. Хусусан, фақат саноат эмас, балки қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам самарали ҳамкорлик қилиш мум-

кинлиги таъкидланди. Президентлар икки мамлакат ишбилармон доираларининг бевосита мулоқотлари янада фаоллаштириш зарурлигини қайд этди.

Икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган музокараларида ушбу масалаларнинг муҳокама си доирасида эътирилади. Шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, техноген ва экологик ҳалокатларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда ҳамкорликка тайёрлик билдирди.

Музокаралар сўнггида Президентларнинг ташриф якунлари бўйича қўшма баёноти қабул қилинди. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида автомобилларда халқаро юк ва йўловчи ташиш, сармояларни ўзаро рағбатлантириш

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

Сизларни мамлакатимизда энг кўп - 420 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, пахта тайёрлаш йиллик шартнома режасини биринчилар қаторида адо этганингиз билан чин қалбидан самимий муборакбод этаман.

Дехқончилик учун мураккаб келган жорий йилда қўлга киритилган бу меҳнат галабаси замирида аввало, вилоятда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самараси, сиз, азиз қашқадарёлик пахтакорларнинг фидокорона меҳнати, изланиш ва ташаббускорлик фазилатлари мўжассам.

Мен сизларни эришган мана шу катта ютуқингиз билан қўтлар эканман, ҳаётининг унутилмас бир даври Қашқадарё билан, сиздек олижаноб, меҳнаткаш ва ориятли инсонлар билан боғланганини яна бир бор фахр-ифтихор билан эслайман.

Соҳибқирон Амир Темурдек буюк зотларни дунёга келтирган бу мўқаддас заминда ўз куч-қудратига ишонган, иродаси тоғ қояларидек мустаҳкам одамлар билан елкама-елка ишлаб, улар билан нон-тузни баҳам кўрган кунларим ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.

Шу боис, қомил ишонч билан айта оламаники, бундай майд ва бағрикенг халқ билан ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтиб, юксак марраларга эришиш мумкин. Фақат бу элнинг азалий табиати, ўзига хос хусусиятларини билдириш, англаш ва ҳурмат қилиш керак.

Бу халқнинг қалбига йўл топиш, у билан ҳамнафас бўлиб, тенг бўлиб, унга суяниб яшаш, унинг фаровонлиги йўлида хизмат қилиш ҳар қандай раҳбар учун улкан бахт, десам, асло хато бўлмайди.

Мен бекиёб салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётига салмоқли хисса қўшиб келаётгани Қашқадарё ахлининг бунёдкорлик қудратини беҳад қадрлайман, ўзимни сиз, азизлар билан ҳамма билан бирга, деб ҳис этаман.

Барчангизни бугунги зафарингиз билан яна бир бор табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга қут-баракат тилайман.

Қўлларингиз асло дард кўрмасин, доимо омадингизни берсин, қадрдонларим.

Ислам ҚАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА

давонида яна бошқа бир гоё - миллият озодлиги, миллий давлатига эга бўлиш гоёси билан бирга ўз онгида асраб-авайлаб келди. Айнан шунинг учун ҳам истиқлолимизнинг дастлабки кунлари данок бу гоёлар Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг, кейинчалик эса Конституцияимизнинг ҳам конституал асосига айланди. Шунга моддалардан иборат инсон барча моддаларини икки гуруҳга — инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминловчи моддалар ҳамда халқ озодлиги ва тараққиётини таъминловчи моддалардан иборат гуруҳларга бўлиш мумкин.

Биринчидан, инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари Конституциянинг умумий қоидалар ва олти бобдан иборат иккинчи бўлимида ҳуқуқий жиҳатдан аниқ мустаҳкамлаб берилган. Унда «шахс-жамият-давлат» тизимида инсон энг олий қадрият сифатида эътироф этилган. «Фуқаролик» деб номланган олтинчи бобда ушбу мақом қандай асосларда берилганидан қатъий назар, республиканинг бутун ҳудудида ягона фуқаролик белгиланади. 22-моддада жуда муҳим ҳуқуқий қоида ўз ифодасини топган: «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқирисид ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳимойлик кўрсатишни қафолатлайди». Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган хорижий фуқаролар ва фуқаролик мақомига эга бўлмаган шахслар ҳақ ҳуқуқлари ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ қоидаларига мувофиқ равишда таъминла-

нади.

Асосий Қонунда инсоннинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари доирасига киритилган яшаш ҳуқуқи, турар-жой дахлсизлиги, ёзишмалар ва телефон сўхбатлари сир сақланиши, виждон, сўз, эътиқод эркинлиги бўйича ҳуқуқий қафолатлар мустаҳкамланган. 30-модда шахс ва давлатнинг ўзаро муносабатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуқлигининг ёрқин намунаси. Конституция Ўзбекистон Республикасини барча фуқароларига кенг сиёсий ҳуқуқлари қафолатлаб берган. Улар жамият ва давлатни бошқариш ишларида ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Конституция шунингдек, Ўзбекистон фуқароларига касба уюшмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари кириш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқларини ҳам қафолатлайди. Шунингдек, Бош Қомусимиз барча фуқароларга катта иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни беради. Хар бир киши қарилганида, меҳнат қобилиятини йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлган ва қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолатларда ижтимоий таъминланиш ҳуқуқига эгадир.

Конституцияимизнинг 10 йиллиги Қарияларни қадрлаш йилига тўғри келди. Бугун жамиятимизда азиз нурунийларимизнинг ўзига хос ўрни бор. Ҳозирги вақтда бундай фахрийларимизнинг сони 3 миллион 87 минг кишини ташкил этади. Уларга хар ойда 28 миллиард сўм миқдорда пенсия тўланмоқда. Мам-

лакатимизнинг бир қатор амалдаги қонунлари ва ҳукумат қарорларига кўра, пенсионерлар, уруш қатнашчилари ва ногиронларига тегишли интизорларга белгилаб қўйилган. Лекин, бу масалага ҳолисона баҳо берадиган бўлсак, жойларда баъзи мутасадди ҳодимларнинг лоқайдиги оқибатида фахрийларимиз ўз қонуний имтиёзларидан тўла фойдалана олмаётганини ҳам кўриш мумкин.

Конституцияга биноан давлат инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини суд орқали ҳимоялашни, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг қонуний ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқларини қафолатлайди.

Иккинчи жиҳатда эътиборингизни қаратсак, 1991 йилнинг 31 августда қўлга киритилган мустақиллик ва миллий давлатчилик гоёси Асосий Қонун ҳуқуқий қоидаларининг бутун бир тизимида конституцион мустаҳкамланган. Асосий Қонунда Ўзбекистон ҳудуди ва давлат чегараларининг дахлсизлиги ҳамда бўлим-маслиги таъминланган ифодаланганлиги, мамлакат мустақил ички ва ташқи сиёсатининг эълон қилинганлиги гоят муҳимдир. «Ўзбекистон Республикаси, - дейилади Конституциянинг 3-моддасида, - ўзининг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширади».

(Давоми 3-бетда).

Ислоҳот: ютуқ ва муаммолар

Хоразм вилояти мамлакатимиз шимолӣ минтақасида жойлашган, иқтисодий-ижтимоий салоҳияти юқсак вилоятлардан бири. Кейинги йилларда халқ хўжалигини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларни бажариш, долзарб муаммоларни хал этиш соҳасида бу ерда анча ишлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг ўтган омилларида самарали фойдаланиш яхши натижа берди. Энг замонавий асбоб—ускуналар билан жиҳозланган, ички ва ташқи бозорга харидорлар билан моллар етказиб бераётган «Хоразмпойабзал» базасида ташкил этилган

би корхоналарда меҳнат унумдорлиги ва жамоада ишловчилар сони аввалги йилга нисбатан сезиларли даражада пасайиб кетди.

Саноат корхоналари омилларида 8168 миллион сўмлик тайёр маҳсулотларнинг сотилмай қолганлиги пул айланиш жараёнининг бир меъёрида кетиши, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ходим-

ХОРАЗМ ТОМОНЛАРДА

ишлаб чиқариш бўйича бултургига қараганда 107,6 фоиз ўсишга эришилди. Ялли ички маҳсулот хажми 95,8 миллиард сўмни ташкил этди. Режадагига нисбатан 3524 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,9, халқ истеъмоли моллари 2,8, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари 4 фоизга ошди.

Тармоқда чуқур ислохатлар амалга оширилди. 62 саноат корхонаси давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳиссасдорлик, масъулияти чекланган жамиятларга, шунингдек ва қўшма корхоналарга айлантирилди. Хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда 33 та корхона тузилди. Айни пайтда тайёрланаётган маҳсулотларнинг қарийб 95 фоизини давлат тасарруфидан бўлмаган корхоналар ҳиссасига тўғри келаяпти.

Ишни омилкорлик билан ташкил этган Ҳазорасп, Янгибозор пахта тозалаш очик ҳиссасдорлик жамиятлари, «Боготтекст», «Ўзхим-Вект», «Хоразм Нуртоб» қўшма корхоналари, Урганч қарлар ўқув ишлаб чиқариш жамоаси, «Урганччон» жамоа корхоналари маҳсулотнинг асосий турларини етиштиришда бултургига нисбатан 1,5-2 баравар ўсишга эришдилар. Агрорасаноат мажмуида пахта толаси, уруғлик, чигит, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайди.

Хориж инвестициясини, янги юқори унумли технологияларни жорий қилиш, иқтисодий

«Даритал», «Хон қашуя», «Хива—карпет» қўшма корхоналари, «Хоразм—Феруз», «Ипйигирув», «Хоразм шакар» ҳиссасдорлик жамиятлари муваффақиятли ишлаб турибди. Тайёрланаётган ноёб ип-калавая, гилам, чарм пойабзал маҳсулотлари хорижий давлат истемолчиларининг эътиборини қозонди ва мамлакат валюта захираларини кўпайтиришга салмоқли хисса қўшяпти.

Президентимизнинг «Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора—тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳусусий тадбиркорликни юксалтириш, улар фаолиятига эркинлик беришда катта аҳамиятга эга бўлди. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари, кичик корхоналар ишга туширилганлиги натижасида 102 минг киши иш билан таъминланди.

Шунга қарамадан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг сифати талаб даражасидан орқада қолмоқда. Урганч шаҳри, Гурлан, Шовот, Хива, Янгиариқ туманларининг йирик саноат корхоналарида 12 тасида маҳсулот хажми 2545,2 миллион сўмга камайиб кетди. Гурлан, Урганч, Шовот, Янгиариқ пахта тозалаш, «Урганч

— экскаватор», «Тўмуйин қурилиш материаллари», «Кока—кола», «Мева» қўшма корхоналари, қурилиш материаллари ҳиссасдорлик жамиятларида қоқоқликка йўл қўйилганлиги ачинарли ҳолдир. Хонқа пахта тохталогийларни жорий қилиш, иқтисодий

ларни вақтида иқтисодий рағбатлантириш, валюта тушумларини кўпайтиришга салбий таъсир кўрсатди.

Шунга қарамадан бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ жараёнда макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолишга муваффақ бўлинди, халқ хўжалигининг устуни ҳисобланган саноатни ривожлантиришда дадил қадамлар қўйилди.

Қурилиш ва обдончилик кўлами кенгайди. 327,8 минг квадрат метр турар жой, бир кечи кундузда 150 бермори қабул қилишга мўлжалланган қишлоқ даволаш масканлари, 1050 ўқувчи ўринли касб—хунар коллежлари, кўплаб маиший хизмат тармоқлари фойдаланишга топширилди.

Деҳқон — фермер хўжалиқлари сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Айни пайтда уларнинг сони 374 тага етди. Вилоят бўйича 3952 гектар боғ, 478,5 гектар тоқзор ижарага берилди. Хозирги кунда тайёрланган пахта толасининг 8-10, узунининг 30, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг 50 фоизи вилоятнинг ўзида қайта ишланмоқда. Шовот туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигида қурилган консерва ва шиша заводи, Богот туманидаги И.Дўсов номи ширкат хўжалигида ишлаб чиқарилаётган саноат корхоналариникидан қолишмайди.

Иzzат ХИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Телефон жиринглади. Сидиқжон ака гўшакни кўтарганида, ундан Мухаммадхон Фозилов номида ширкат хўжалиги раиси Акбаржоннинг овози эшитилди:

— Устоз маврудини топиб, идорага келмасангиз бўлмайди, бир масалада маслаҳатингиз гоятда зарур.

Сидиқжон ака кийиниб, йўлга отланди. Олтин куз кезлари бу ерлар бамисоли жаннатга айланади. Ишқомлардаги болга тўлган ранго-ранг узумлар, турли хил мевалар кўзни қувнатди. Ҳар туп дарахт, хонадон, кўчаю корхона юрагига нақадар яқин. Мана хозир ҳам йўлда учраган борки, қўлини кўксига қўйиб, салом беради, ёши улуглар пешвоз чиқиб кўл олишади. Мураббий ҳар бир хонадон ҳаёти, фарзандларининг исми, орзу-интилишларини яхши билади. Шукрки, одамларнинг тирикчилиги яхши ўтиб турибди. Боиси, улар ерни ардоқлашни, сидикдил тер тўкиб меҳнат қилишнинг ҳадисини олишган. Хўжаликни оёққа қўйиш, ривожлантиришда ажойиб инсон, раҳматлик академик Маҳмуд Мирзаев деҳқончиликда ўзига хос тажриба мактабини яратган Худойназар Умаров, Ислоом Бахромо, Қахрамон Бойма-товларнинг ҳам катта ҳиссаси бор.

У 30 ёшида шу хўжаликка раис этиб сайланди. Биринчи кунда одамлар меҳнатини кадрлаш, ерни эъзозлаш, барча соҳани бирдек ривожлантириш ҳақида ҳану қўйдирди. Ўша даврнинг номдор раислари Гуломмаҳмуд Абдуллаев, Абдулла Ортиқовлар мактабидан баҳраманд бўлди. Унга кўз тикканлар кўп

эди. Ахир қисқа вақт ичида не-не раислар ишлаб кетди. «Хўш, буниси нима қаромат кўрсатаркин», дегувчилар ёш раиснинг оми-

корлиги, ташаббускорлиги бора-бора тан бердилар. Кўплашиб жамоа хўжалиги ҳудудида янги касалхона, мактаб биносини бунёд этишди. Нуронийлар билан ўзаро суҳбатни бозорларга чиқаришда улар ажойиб иссиқхона қуриш вақти етганлигини таъкидладилар. Қимматли таклиф бошқарув аъзолари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Шундай қилиб Тошкент туманидаги М.Фозилов номида хўжаликда барча ҳавас қиладиган иссиқ-

хона ишга туширилди. У шахарликларни қишин-ёзин сархил неъматлар билан таъминлашда муҳим рол ўйнади.

Ушбу хўжаликда асл миришкорлар яшади. Истаган хонадонингизга кириб, зимдан разм солсангиз бамисоли жаннатнинг бир бурча-

йил сайин кўпайиб боляпти. Мустақиллик йилларида ширкат хўжалигида кенг кўламли ўзгаришлар рўй берди. Сув чиқмайдиган майдонларга оби-ҳаёт таралиб, янги боғлар бунёд этилди. Эндиликда 324 гектар узумзор 780 нафар оила-

лар ҳақида меҳрибонликни янада кучайтириш юзасидан белгиланган тадбирларни изчил амалга ошириш таклифини ўртага ташлади, деди Рафиқ ота Фахрий раисга юзланиб. — Улуғ ишга фотиҳа берайлик.

Дарҳақиқат, бу ерда меҳнатқашлар ижтимоий ҳимоясига алоҳида ўрин берилган. Жамоа хўжалигида ишлаб, эндиликда пенсияга чиққан кишилар меҳр оғушида. Лозим топилганларга доимий равишда моддий ёрдам уюштирилмоқда. Бунинг учун бир йилда 40 миллион сўм сарфланапти. Энг муҳими, яхши ишлаб, яхши яшаётган, эл дастурхонини тўкин-сочин этаётган тадбиркор асл деҳқонлар янги-янги ташаббусларга кўл уришмоқда. Неъмат РАФИҚОВ, «Ишонч» мухбири.



БУ БОҒЛАРНИНГ ИЛДИЗИ



Иzzат ХИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.



Ф.ХИДИРОВ олган суратлар.

ДОИМИЙ ЯРМАРКА

Фаргона шаҳридаги «Марказий универмаг» да халқ истеъмоли молларининг доимий савдо ярмаркаси очилди. Унда мамлакатимиздаги саноат корхоналари ҳамда қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, ёғ-май, тамаки, чарм, мебель ва бошқа тармоқларда ишлаб чиқарилган мингдан ортиқ тур ва андозадаги 290 миллион сўмлик маҳсулот намойиш қилинмоқда.

Намойиш этилаётган маҳсулотлар истеъмолчилар талабига қўра-қана ва улгуржи нархларда сотилади. Икки томонлама шартномалар имзоланиб, янги маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан буюртмалар қабул қилинади. Савдо ярмаркасининг очилиш маросимида «Ўзбекирлашув» акционерлик компанияси раиси М.Бекчоноев, Фаргона вилояти ҳокими А.Отабоев иштирок этиди.

ТЕРИЛГАН ПАХТА 3 МИЛЛИОН ТОННАДАН ОРТИДИ

Мамлакатимизда пахта йиғим-терими якун-ловчи босқичга кирди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги матбуот хизматида УЗА мухбирига маълум қилишларича, пахтакорларимиз ўнган хирмон 3 миллион тоннадан ортган. Кунга ўттиз минг тоннагача пахта териб олинмоқда. Бунда машина терими кўл келаяпти.

Пахтакорларимиз пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқда. Андижонликлардан кейин қашқадарёлик пахтакорлар ҳам давлатга пахта сотиш шартнома режасини муваффақиятли бажарди. Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фаргона вилояти заршунослари бундай маррага тобора яқинлашмоқда.

ШАҲАР АЭРОПОРТИ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Нукус шаҳрининг 70 йиллик тўйи арафасида шаҳар аэропорти биноси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси маблағи ҳисобига замонавий меъморий услубида қайта таъмирланди. «Қорақалпоқсаноат» қарқорулиши акционерлик жамияти бунёдкорлари шу кунга қадар 936 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Жами бир миллиард 200 минг сўмлик таъмирлаш ишлари режалаштирилган бўлиб, бинонинг кутуши заллари, хизмат хоналари, йўловчиларни парвозга қуатиш йўлакларини таъмирдан чиқарилди. Шу кунларда пардозлаш ишлари ҳам нихоясига етказилмоқда. (ЎЗА).

Ижтимоий шерикчилик тамойиллари, меҳнат муҳофазаси, иш ҳақининг узлуксиз тўланишига эришиш, аҳолини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, спорт соғломлаштириш ишларини ривожлантириш жамоа шартномаларида ўз аксини топтомо лозим. Шу боис унинг бажарилиши Андижон вилояти ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касабая уюшма кўмитасида таҳлил қилиб борилмоқда. Эътиборлиси, жамоа шартномалари йўли билан меҳнатқашларнинг ижтимоий ҳимоясини кафолатлашга жиддий киришилган. 2000 йилда тармоқдаги ҳар бир ходимга ижтимоий ҳимоя бўйича ўртача 33.189 сўм харажат қилинган бўлса, 2001 йилда бу кўрсаткичи киши бошига 37255 сўмга етди. Кенгаш тасарруфидидаги кўмиталар жисмоний тарбия, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш каби тадбирларга кенг ўрин бермоқдалар.

техника базаси йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда. Шу йилнинг ўзида 26 нафар хондим марказий сяхатгоҳларда хордиқ чиқарди...

Шунга қарамадан, касабая уюшмалари вилоят кенгашининг раёсат мажлисида тармоқда қурултой қарорлари ижросини таъминлашдаги ижобий ишлар билан бир қаторда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар ҳақида гапирилди. Хусусан, меҳнат муҳофазаси масалаларига талаб даражасида ёндошилмаётганлиги танқид остига олинди. Кенгаш тасарруфидидаги мавжуд 13 та бошланғич ташкилотларнинг 8 тасида меҳнатни муҳофазая қилиш, ишчилар учун хавфсиз-хатарсиз меҳнат шароити яратиш қўниқарсиз ташкил этилган. Сабаби, «Меҳнат муҳофазаси» кўрик-танловларида аксарият бошланғич касабая уюшмалари иштирок этмаган. Ачинарлиси, 5 та бошланғич ташкилот кўмитасида ушбу масала муҳокама этилмаган. Айрим касабая уюшма кўмиталарида қарор ва

кўрсатмаларнинг бажарилиши устидан назорат бўшаптириб юборилган. Касабая уюшмалари маблагларидан фойдаланиш, мулкни сақлаш, молия-хўжалик ишларини тўғри юриштишда суиистеъмолчилик содир этилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Масалан, «Асақатранснефт» акциядорлик жамия-

ганлигининг ўзи тармоқнинг тўлов қобилияти ночорлашиб қолганлигидан далолат бериб турибди. Тўғри, кўмита қарзларнинг қопланиши бўйича прокуратура идораларига 11 та мурожаатнома, вилоят хўжалик судига 11 та даво аризалари киритди. Аммо, бор-йўғи 28 миллион сўм ундирилган, холос.

«Андижоннефтьгазпармаш» ҳиссасдорлик жамиятида 319 нафар ишчининг июл, август ойидан буён қўлига маош тегмаган. Чунки корхона жамоадан жорий йилнинг биринчи сентябр ойигача 30 миллион 546 минг сўм қарздор бўлиб қолган. Дардинг бўлса бўлсин, қарзинг бўлмасин, дейди халқимиз. Асақа таъминот-техника ишлаб чиқариш базасининг мансабдорлари боқимандалик кайфиятидан халос бўлолмаётдилар. Тўланмаган иш ҳақи 3 миллион 672 минг сўмдан ошиб кетди. Ижтимоий суғурта тўловларидан 102 минг сўмлик, пенсия жамғармасидан 18 миллион 656 минг сўмлик муддати ўтган қарз-

«Ишонч» фоз этади

дорлик корхонанинг бўйини-сиз ҳодиса туфайли ҳаётдан кўз юмди. Холбуки, шўьба корхонасида меҳнатни муҳофазая қилувчи 3 нафар ҳуқуқшуносдан иборат юридик хизмат курсатиш бўлими ишлаб турибди. Шунга қарамай, туман ва шаҳар электр тармоқлари бўлима-ларида иш берувчилар томонидан меҳнат қонунчилигини бузиш ҳоллари тез-тез содир этилмоқда. 2002 йил 12 июн куни Жалолқудуқ туман электр тармоқлари бўлими бошлиғи Мирзараҳим Раҳимов назоратчи Ойбек Акбаровни ҳисобот топширмаган баҳонаси билан мажбуран ариза ёздириб ишдан бўшатади. Бошлиқ назоратчини ишдан маҳрум қилиш тўғрисида буйруқ чиқаришда ҳатто шўьба касабая уюшмининг розилигини олашми ўзига эп кўрмади. Бу билан У Меҳнат Кодексининг 1001-1002-моддаларини қўпол равишда бузди. Шўьба корхона бошлиғи Ш.Рустамовнинг аралашуви билан бўлиманга бошлигининг ноқонуний буйруғи бекор қилинди ва назоратчи қайта ўз ишига тикланди. Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Саволларингизга ТДЮИнинг хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

Гулноза САТТОВА жавоб беради

САВОЛ: мен 1968 йилдан бошлаб ўрта мактаб ва лицейларда ишлаб келмоқдам. Илгари институтда ҳамда мактабда бир вақтнинг ўзиде ишлаганман. Бу пенсия миқдорига қандай таъсир қилади, имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эгаманми?

Ғиёс НУРМАТОВ, Қарши шаҳри, Лозаров кўчаси 23 уй.

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган «Умумий белгиланган ёш 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхатида келтирилган ўқув муассасалари ичиде институт назарда тутилган. Чунки институт олий ўқув юрти ҳисобланиб, маориф тизимидаги муассасалар доирасига кирмайди ва у ерда ишлаган давр махсус иш стажига сифатида ҳисобга олинмайди».

САВОЛ: мен соғлигим ёмонлиги сабабли ўз ҳисобимдан бир йилга академик меҳнат таътилига чиқсам бўладими?

Бибиҳосият ТҶУХТАЕВА, Сарийосиё тумани.

ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг 150-моддасида иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил бериш тартиби белгиланган. Ушбу моддага кўра, ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин. Унинг муддати ходим билан

иш бевуви ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Бундай таътилда фойдаланган ходимларнинг иш жойи сақланади ва улар таътил муддати тугагач ўз лавозимига қайтадилар. Одатда иш ҳақи сақланмайдиган ҳолда бериладиган таътиллари қисқа муддатли бўлади, фақатгина фарзанди 2 ёшдан 3 га тўлгунга қадар оналарга бир йиллик иш ҳақи сақланмайдиган таътил қонун билан назарда тутилган. Академик таътиллари келсак, бундай таътиллари фақатгина студентлар фойдалана олиши мумкин.

САВОЛ: мен 13 йиллик педагог-ташкilotчи ва 17 йиллик ўқитувчилик иш стажига эгаман. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми? Бахтиёр ХОЛБОЕВ, Урганч шаҳри.

ЖАВОБ: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 12-модда «к» бандида ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари умумий белгиланган ёшдан 5 йил олдин, яъни имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга. Башарти махсус иш стажига (яъни бевосита ўқитувчилик соҳасида) камида 25 йилни ташкил қилса махсус стажга эга бўлиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган қорхоналар, муассаса ва ташкilotларда маълум лавозимларда ишлаган бўлиши керак. Бундай қорхоналар ва лавозимлар рўйхати Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган, умумий белгиланган ёш 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-сонли рўйхатининг 7-қисмида берилган. ушбу рўйхатга биноан умумтаълим ўрта мактабда ўқитувчи лавозимида ишлаган давр махсус иш стажига қиради. Уй-жойдан фойдаланиш идоралари маориф тизимидаги муассасалар қаторига кирмайди. Педагог-ташкilotчи лавозими эса 3-сонли рўйхатда кўрсатилмаган. Демак, ушбу лавозимда ишлаган давр махсус меҳнат стажига кирмайди ва имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берамайди.



«050 ҚУТҚАРУВ ХИЗМАТИ» ЁРДАМ БЕРДИ

Тошкент шаҳар фавкулда вазиятлар бошқармаси вакиллари ҳамда «050 қутқарув хизмати» пойтахтимиз аҳолиси оёқсизлигини таъминлаш, улар орасида фавкулда вазиятларга оид тарғибот ишларини яхши йўлга қўйиш борасида кенг кўламли иш олиб бормоқдалар. Хусусан, фавкулда ҳолатларнинг олдини олиш, улардан аҳолини огоҳ этиш, ташкilot ва қорхоналарни мунтазам ишлагани таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

«Телевидениеда бериб борилаётган фавкулда ҳолатларни ва бундай вазиятларда хизмат кўрсатаётган қутқарувчиларни кўриб, қани энди бизнинг юртимизда ҳам ана шундайлар бўлса, деган оғзуни аччиққан Манна кўриб турганимиздек, орзумизга етдик. Бугун Фавкулда вазиятлар бошқармаси вакиллари маҳалламизга келиб, аҳолининг иш билан банд бўлмаган тойифалари ўртасида табиий ва техноген хусусиятли вазият содир бўлганда қандай ҳаракат қилиш ҳамда бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун қанақа чора-тадбирлар қўллаш борасида тушунтириш ишлари олиб боришди. Албатта, бу ташрифдан маҳалламиз аҳоли хурсанд бўлишди. Чунки ҳар қандай фавкулда ҳолатнинг олдини олиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир, — деди маҳалла оқсоқоли Михаил Киткев.

Башқарманинг «050 қутқарув хизмати» бўлими малакали мухтаassisларга эга. Улар кечаю кундуз ўз вазифаларини астойдил бажариб келмоқдалар. Қутқарув хизматининг табиий ходимлари, алпинистлар ва гаввослардан ташкил топган гуруҳлари пойтахтимиз аҳолисига ўз вақтида керакли ёрдамларини кўрсатмоқдалар. Бошқарма зобитлари қутқарувчилар малакасини ошириш, бунда керак бўладиган муҳандислик техникалари билан таништириш, хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш бўйича назарий ва амалий машғулотларни мунтазам ўтказиб бормоқдалар.

М. ИСОКОВ, Тошкент шаҳар Фавкулда вазиятлар бошқармаси матбуот хизмати ходими.

«ХУНАРМАНД» МАХСУЛОТЛАРИ ЭЛГА МАНЗУР

Хатирчи туманида трикотаж буюмлари ишлаб чиқарувчи «Хунарманд» кичик қорхонаси ишга тушди. «Пахтабанк»нинг туман бўлимидан 10 миллион сўм имтиёзли кредит олиб иш бошлаган қорхонага Италиядан келтирилган асбоб-ускуналар ўрнатилган, ҳар ойда 3 минг дондан ортиқ трикотаж кийимлар ишлаб чиқарила бошланди. Айна кунда қорхона махсулотлари Навоий, Самарқанд, Каттакўрғон, Оқтош шаҳарларида етказиб берилмоқда. Қорхонада 50 дан зиёд йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Кичик қорхонада автомат билларга техник хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилди.

«Олмалик Мебеллари» акциядорлик жамияти иш ҳажими ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар оширилди.

«Олмалик Мебеллари» акциядорлик жамияти иш ҳажими ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар оширилди. Яқингача хориз мебелига ишқибоз бўлган турли фирма ва ташкilotлар ҳам хозир Олмалик тамғаси туширилган махсулотга харидор бўлаётди. Қорхона жамоасининг тез ва сифатли иш бажариши туфайли турли тендер савдоларида олмалик мебелосозлар билан ишлаш истагини билдирувчилар сони ортмоқда. Идора мебелари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қорхона яқиндагина Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасининг тўрт мингта сифатли ва замонавий мактаб парталари тайёрлаш ҳақидаги буюртмасини битказиб берган эди. Айна кунларда Шарқшунослик институти, Бекободдаги металлургия комбинати, Тошкент аэропорти ҳамда вилоят ҳокимлиги қошидаги бир қанча бўлим ва бошқармалардан тушган буюртмаларни бажармоқда.



«Олмалик Мебеллари» акциядорлик жамияти иш ҳажими ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар оширилди.

АҲОЛИГА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ислохотлар билан бирга кенг кўламли қурилиш ишлари, туман, вилоят ва шаҳарлар хушига хусн қўшуви ишоотлар барпо этиш, таълим-тарбия масканлари, йўллар қуриш, обodonлаштириш ва кўламли зорлаштириш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. Шу боис юртимиз янада чирой очиб, янги қўёфа касб этмоқда. Айниқса, вилоят ва шаҳарлар, туманларда аҳолига маданий-маиший ва савдо хизмати кўрсатувчи шохбачаларнинг истеъмолчилар эҳтиёжи талаблари даражасида қурилиб, фойдаланишга топширилишини таъминлаш халқимиз учун кўплаб қулайликларни яратиш билан бирга қимматли вақтларини ҳам тежамоқда. Бунда

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

РҶЙХАТГА ОЛИШ ТУГАДИ. Умумроссия аҳолини рўйхатга олиш тадбири нихосига етди. «Жамоатчилик фикри» фондининг маълумотларига қараганда, мақзур жараёнда мамлакатнинг 93 фойз аҳолиси иштирок этди. Хозирча асосий ахборотлар шаҳар ва туманларда тўпланган. Ноябр ойи бошигача асосий маълумотлар Москвада жамланади ва янги йил бошида автоматик тарзда қайта ишланади. Тўлиқ рақамлар 2003 йилнинг март-апрел ойларида эълон қилинади.

(Боши 1-бетда).

Шу масалага янада кенг-роқ ёндашиш мақсади мувофиқдир. Маълумки, иккинчи чакирқ Республика Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Биринчи устувор йўналиш мустақиллини мустаҳкамлашдан иборат эканлиги таъкидланди.

Бунин Президентимиз Ислам Каримов «энг асосий, энг муҳим устувор мақсад» сифатида талкин этди. Мустақиллини асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш деган вазифага амалда кўйидагилар кирди:

- зиммамизга олган халқаро мажбуриятларни бажариш;
- БМТ Низоми талабларига, халқаро ҳуқуқнинг эътироф этилган меъёрларига қатъий амал қилиш;
- узок-яқин кўшилари билан дўстлик ва ҳамкорлик асосида яшаш, дунё ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб обрў ва ўрин эгаллаш учун доим интилиш ва курашиш;
- мустақил тараққиётни мамлакатимизнинг сиёсий жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодий ва маданий модернизация қилиш, жамиятни маънавий янгилаш борасида олиб бораётган барча ислохотларимиз мезонини деб билиш.

Иккинчи устувор йўналиш сифатида хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш соҳасидаги вазифалар кўрсатилди. Бу давлатимизнинг худудий ахилитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлигини ва оёқсизлигини таъминлашдан иборатдир. Ҳар қандай давлат Конституциясини давлат ҳокимиятини ташкил этишининг асосий тамойилларини белгилайди, яъни, турли давлат органлари ўртасида ваколатларни тақсимлайди. Асосий Қонунимизда «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этиш ва суд ҳокимиятига бўлиниши принциплари асосланган»,- деб кўрсатилган (11-модда). Умуман, ҳокимиятнинг ушбу уч шохобчаси - қонун чиқарувчи, ижро этиш ва суд ҳокимиятлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган барқарорликнинг ишончли тизимини ву-


жуда келтиради.

Халқаро ҳуқуқнинг бир қатор тамойиллари ва қоидалари Конституциямизга БМТ Низоми, Хельсинки битими, Париж ва Мадрид хартияларидан қабул қилинган. Бу жиҳат масалани «Ташқи сиёсат» деб номланган 4-боб (17-модда)да, «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» (иккинчи бўлим), «Сайлов тизими» (23-боб), «Муҳофа ва хавфсизлик» (26-боб) ва бошқаларда айниқса, ёрқин сезилади. Булар Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси билан, ўз зиммасига олган мажбуриятларга, миллий манфаатларга содиқлиги билан бевосита боғлиқдир.

АДОЛАТ — ҚОНУН УСТУВОРЛИГИДА

Конституция янги ижтимоий-сиёсий тизимимиз ва ўз миллий давлатчилигимизнинг ишончли базисини яратиб берди. Асосий Қонунимиз ёш республикамизнинг мақсад ва вазифаларини қонуний мустаҳкамлади, жамият ҳаётининг барча соҳаларда ислохотларнинг орқага қайтмаслигини таъминлади. Утган йиллар мобайнида мамлакатда кенг ҳуқуқий маконини шакллантириш имконини берган юзлаб янги қонунлар қабул қилинди. Уларнинг ҳаммаси демократик, иқтисодий, ижтимоий ислохотларни изчил амалга ошириш, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган. Чунончи, Олий Мажлисининг «Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг ташкил этилиши Асосий Қонунда ифодаланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш йўлида йирик қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ижтимоий зиддиятларни куч ишлатиш йўли билан эмас, балки ижтимоий муросас қилиш йўли билан бартараф этиш воситаси сифатида таърифланган. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимиз Конституциясида фуқаролик жамияти, Конституция ва қонунларнинг устуқлиги, фуқароларнинг хилма-хиллиги, ҳокимиятнинг демократлаштириш каби умумдемократик гоёлар ва тартиботлардан



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ

каби умумий қадриятларнинг узвий бирлигини ўзида акс эттиради. Олдимизда турган катта вазифалардан бир бу — Асосий Қонунимизнинг энг муҳим принциплари ва нормаларини ҳар бир ўзбекистонлик чуқур англаб етиши ва унга қатъий амал қилиши зарур. Чунки Конституция маънавий-маданий эҳтиёжларини, ватанпарварлик туйғуларини, таъбир жоиз бўлса, халқнинг виждони ва диёнатини ўзида мужассамлантирган бўлиб, биз учун муқаддасдир.

Шундай қилиб, Конституциямиз буюк келажак сари мамлакатда дадил ҳаракатларнинг муҳим омил бўлди. Эндиликда — Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига, демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш босқичига кирган бугунги кунда Асосий Қонунда ифодаланган ҳуқуқий қоида ва тамойиллар янги куч билан қанот ёзмақда. Инсон озодлиги, миллий давлатчиликни тиклаш ҳақидаги кўп асрлик орзуларини мустаҳкамлаб берган республиканинг беш ҳуқуқий хужжати халқимизни руҳлантирувчи қудратли қў бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — қадимий ўзбек халқи танлаган демократия йўли, унинг XXI асрдаги ўз буюк келажига бўлган мустаҳкам ишонч рамизидир. Жамиятимизда қонунга ҳурмат, қонунга итоат ҳаётимиз мезонини бўлиши лозим. Шундагина қонун устуворлигининг меваси адолат тантанасига эришамиз. Демак, Конституция ва қонунларга ҳурмат Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат билан муштарқдир.

Умуман олганда, Конституциямизнинг ҳуқуқий концепциясини инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, фуқаролар эркинлиги, ҳуқуқий давлат ва миллий давлатга хос хусусиятлар

Кобилбек КАРИМБЕКОВ, оийсий шарҳловчи.



Косон ёғ-экстракция очик ҳиссадорлик жамияти қошидаги профилакторийда аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Шифо маскани замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган, тажрибали, қўли енгил шифокорлар жалб этилган.

Суратларда: профилакторий ҳаётидан лавҳалар.

Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар.

УЧТА КОМПЬЮТЕР СИНФИ

Япониядаги «Марубени Корпорейшн» фирмани Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига замонавий компьютерлардан 60 тасини етказиб берди. Бу «ақл»ли машиналар асосида бир йўла учта компьютер синфи ташкил топди. Шунингдек, аудио-видеотехника хонаси очилди.

Олий ўқув юрти Япония ҳукумати томонидан ажратилган бегараз грантлар тўғрисида бундай имкониятларга эга бўлди. Грантлар маблағи ҳисобидан яна талайгина ўқув жиҳозлари олинди. Улар «Ипак технологияси», «Газмоллар технологияси ва дизайни», «Трикотаж технологияси ва дизайни» каби лабораторияларга ўрнатилди.

Институтда янги ташкил топган ўқув-маслаҳат матбаа марказини жиҳозлашда ҳам бу хил ўқув ва техника воситалари қўл келди.

А.АЛИЕВ.

Ўзбек миллий театр санъати ўзининг кўп йиллик тарихига эга. Ана шу бой маданий меросни ўрганиш ва тадқиқ этиш йўлида ҳам кўп иш қилинмоқда.

Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти олимларининг бу борадаги изланишлари

ЎЗБЕК ТЕАТРИ ТАРИХИ СОЛНОМАСИ

Ҳам қўтилган натижаларни бермоқда. «XX аср янги ўзбек театри тарихи» ўқув қўлланмасини яратиш устида олиб борилган илмий ишлар ҳам самарали келди. Ана шу ўқув адабиёти бўйича кенгайтирилган намунавий дастурни олий ўқув юрти илмий кенгаши нашр этишга тавсия этди.

Етақчи театршунос олим профессор Тошпулат Турсунов томонидан тайёрланган маъмур дастурда қўлланмининг ўзига хос услубий хусусиятлари кенг ёритилди.

Ириқ тадқиқотчи ҳозир «XX аср ўзбек театри» монографиясини тугаллаш арасида турибди. Ўзбек театр санъатининг босиб ўтган катта тарққиёт йўли атрофида илмий йўналишда таҳлил этилган бу тадқиқот ҳам фойдали қўлланма сифатида мутахассисларга хизмат қилади.

Орамиздаги одамлар

ЭЗГУЛИККА ТАЛПИНАР ЮРАК

Инсон умри нималар билан ўлчанади: бойлик, мартаба биланми ва ёким фарзандлар камоли, шогирдлар эҳтироми биланми? Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими Халим Махмудов фаолиятига назар ташлар эканман, нурули излар, яхши амаллар, эзгу ишлар билан ўлчанадиганига яна бир бора ишонч ҳосил қилдим. Бундан 4 йилча олдин Курортлар бошқармасига раҳбарлик қилган бу зукко инсон ҳақида хали-хануз қасаба уюшма йиғинларида, катта-кичик тадбирларда илик сўзлар айтылади.



Бир кўрганда билиб оладиган зукко инсон. Бағри бутунлик, меҳр-саховат, адолат ва садоқат унинг фазилати. Шу боис ҳам қўл остида ишлайдиган меҳнатқаш, билимдон ёшлар унинг меҳр-муҳаббати ва инсонийлиги тўғрисида йиғинларда, камолга етишди.

Шогирдларим ҳаётимнинг нурули изларидир, - дейди Х.Махмудов мамнуният билан, - улар билан фахрланаман. Улар орқали эзгу ишларим давом этаверадди.

Халим Махмудов ҳамон сафда. 70 ёшни қаршилаётганига қарамай у ёшлардек серғайрат, ишлаб чарчамайди. Айни кунда ҳам тармоққа қарашли профилакторийда бош шифокор сифатида фаолият кўрсатмоқда. У ҳамон одамларга яхшилик улашиб яшамоқда.

А.ҚОДИРОВА, «Ишонч» муҳбири.

Кекса ижодкорлар асарлари

Республика болалар бадий ижодиёти марказида Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган кўргазма очилди. Унда кекса ижодкорларнинг амалий ва тасвирий санъат йўналишларидаги 150 дан зиёд асарлари намойиш этилган. Уларда табиатиимиз гузалликлари, юртдошларимиз ҳаёти, миллий урф-одат ва қадриятларимиз ўзига хос бадий ифодасини топган. Кўргазмада истиқлол йилларида яратилган асарларга кенг ўрин берилган.

Усталар кўргазмаси

Ўзбекистон Бадий академиясида «Кузги вернисаж» номи кўргазма очилди. Унда фарғоналик рассомлар, қулоллар ва бошқа хунармандлар ишлари намойиш этилган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг давлатимиз томонидан тасвирий ва амалий санъатни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кўргазманинг очилишида Фарғона водийси устасунаармандлари билан машҳур эканлиги таъкидланди. Шуниси эътиборлики, уларнинг ишлари АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Швейцария, Австрия каби мамлакатларнинг нуфузли музейларида кенг намойиш этилган. Зеро, олтин водийнинг ҳақиқатдан ҳам ўлкаимиз усталари макони, деб ҳисобланиши бежиз эмас.

Кўргазмага ташриф буюрганларда ганчкор уста Олим Исмоилов, ўйма нақшо Зокиржон Гафуров, қулол Абдусалом Маъмуров, рассом Фурқат Қўқоров ва бошқаларнинг ишлари алоҳида қизиқиш уйғотади.

«ГЕРМАНИЯДА РЕКЛАМА»

рекламаси 150 йиллик тарихга эга. Айни пайтда бу энг янги тарих, иқтисодий ривожланиш ва маданият давридир. Кўргазманинг 32 та стендида ушбу мамлакат тижорат рекламасининг тарққиёт тарихи намойиш этилган. Кўргазмада реклама соҳасидаги ўзгаришлар, шунингдек шакллари, товар белгилари ва услубларнинг ворисийлиги ўз ифодасини топган. Шунингдек, кўргазмани ўтказиш да-

вомида мақолалар ва дизайнерлик ишлари танлови ҳам бўлиб ўтади.

Кўргазманинг очишлиди Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва Мухтор элчиси Мартин Хеккер иштирок этди.

Футбол

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ИШТИРОКЧИСИ!

Шу пайтгача на катталар, на ўсмирлар терма жамоамиз охиб ўтолмаган тўсиқ ниҳоят, ёшлар томонидан забт этилди! Қатарда ташкиллаштирилган қитъа биринчилиги аввалдан белгиланган регламентга кўра айни вақтда келгуси йили Саудия Арабистонида ўтказилиши белгиланган жаҳон чемпионатига Осиё учун ажратилган тўртта йўлланма соҳибларини аниқлаб бериши лозим эди.

Энди Виктор Борисов шогирдлари енгил нафас олишлари мумкин. Улар чорак финал баҳсларида Саудия Арабистони, Япония, Жанубий Корея жамоаларидан кейин тўртинчи бўлиб йўлланма эгасига айландилар. Дарвоқе, саудийликлар мезбон сифатида бундай бахтга ҳаммадан илгари сазовор бўлганликлари учун тўллар нисбатига кўра хитойликлар ҳам жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Бунинг учун улар ўзбек футболчиларига миннатдорчилик билдириб қўйишларига тўғри келди. Гап шундаки, Житой термаси саудийликларга 1:4 ҳисобида учрашувни бой бериб, ўз тақдирларини Ўзбекистон ва Сурия жамоалари ўртасидаги баҳс якунидан қуттишга мажбур эдилар. Ёшларимизнинг суриялик тендошларини 4:0 ҳисобида мағлуб этишлари-гина Чин-Мочин футболчиларини қутқарди.

Уйин эса, айтиш мумкинки, анча асабий тус олди. Ҳеч бир жамоа бўш келишни хоҳламаслиги дастлабки дақиқаларданок кўзга яққол ташланди. Гарчанд биринчи таймда қатор қулай вазиятлар юзага келган бўлса-да, барча тўплар иккинчи бўлимда киритилди. Айниқса, бунинг А.Гейрих жароҳат олиб майдонни тарк этгандан кейин амалга оширилганлиги эътиборга моликдир. Демакки, жамоа имкониятлари кенг, фақат ундан ўринли фойдаланиш даркор. Ва, эътироф этиш лозимки, В.Борисов бунинг удрасидан чиқа олди. Нодир Қўзибоев, Владимир Аникин, Мансур Саидов ва ниҳоят Илёс Зайтуллаев томонидан йўлланган тўрт тўп ўзбекистонликларни кейинги босқичга олиб кирди.

Футболчиларимиз ярим финалда Япония термаси билан учрашадилар. Қани кўрамиз, елкасидаги оғир юкдан халос бўлган жамоа аъзолари бу гал қандай ўйин намойиш этаркинлар?

«НЕФТЧИ» ВА «ПАХТАКОР»

Осиё чемпионлари лигасининг тўртинчи босқичида

Айтиш жоизки, Осиё футбол конфедерациясининг Оврупо қитъасидаги Каби Чемпионлар лигаси баҳсларини ўтказишга ҳазм этгани мамнуният билан қутиб олинди. Мухлислар энди нафақат «Милан», «Реал», «Манчестер юнайтед» сингари футбол гигантларини, балки «Истиклол», «Ахли Сана» ёхуд «Ал-Иттиҳод» каби Осиё клубларининг ўйинларини ҳам бевосита томоша қиладиган бўлишди.

Албатта, ҳар бир ғалаба ўз ҳолича азиз. Агар у халқаро учрашуларда қўлга киритилган бўлса, янада ардоқлидир. Шу маънода Фарғонанинг «Нефтчи» командасини қутлаш мумкин. Чемпионлар лигасига учинчи босқичдан қўшилган Ю.Саркисян шогирдлари Яманин «Ахли Сана» жамоаси билан меҳмонда илк учрашувда ноқ юксак ниятларни дилга жо этганликларини амалда намойиш қила билдилар. 2:1 ҳисобидаги ғалаба келгуси босқичга йўлланма олиш учун тузуққина имконият яратиб берган эди. Шундай бўлди ҳам. Фарғонада «Нефтчи» футболчилари араб ҳамкасбларидан ҳар жиҳатдан устун эканликларини исботладилар. Анвар Бердиев ва Илья Коваленко (иккитадан), Сергей Лебедев ва Акмал Холматовлар томонидан йўлланган олти тўпга меҳмонлар битта ҳам жавоб қила олмадилар.

Энди «Нефтчи» жамоаси тўртинчи босқичда Эрронинг «Истиклол» футболчилари билан баҳсга киришади. Шубҳасиз, бу учрашув осон кечмайди. Зеро, Эррон футболчининг қитъамизда тутган ўрнини яхши биламиз.

Биз «Нефтчи»га омад тилаётимиз, бу йилги мамлакат чемпионатида карвонбошилиқни дадил қўлга олган «Пахтакор»нинг яна бир араб жамоаси — Катарнинг «Ал-Иттиҳод» клубини икки ўйин натижасига кўра мағлуб этишидан умидвор эдик. Ҳар ҳолда «сафарда 3:4 ҳисо-

бидан енгилган бўлса-да, жавоб учрашувида битта тўп фарқи йўққа чиқариш бугунги «Пахтакор» учун унчалик машаққатли вазифа эмас.

Лекин мутахассислар мавсум бошида башорат қилганларидек, қузга келиб пойтахтнинг бош жамоаси олдида бир қатор муаммолар пайдо бўлдики, уларни бар-тароф этиш унча-мунча клубга насиб этмайди. Гап шундаки, «Пахтакор» турли халқаро мусобақалар — Ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати ва ҳам энг қўп вақил юборган жамоадир. Боз устига, машгул пайтда тезкор ҳужумчи Зайниддин Тожиев жароҳат олган бўлса, жамоа сардори Миржалол Қосимов тўлиқ тузалиб кетгани йўқ.

Шунга қарамай жамоа зиммасига юклатилган оғир вазифани удралай билди. Ҳисоб 3:0.

Шундай қилиб, «Нефтчи» ва «Пахтакор» зафарли юришларини давом эттирадиган бўлишди.

Шу ўринда бир нарсасга эътиборингизни қаратишни истардим. Мухлислар ҳафта охирида зўр қизиқиш билан кузатган ҳар учала ўйин: «Нефтчи» — «Ахли Сана», «Пахтакор» — «Ал-Иттиҳод», Ўзбекистон — Сурия учрашувларининг айнан иккинчи бўлимида футболчиларимиз ташаббусни тўла қўлга ола билдилар. Бундан фақат қувоним мумкин. Ваҳоланки, уч-тўрт йил муқаддам, ҳатто нимасини айтасиз, ўтган йилги саралаш баҳсларида ҳам айнан баҳслар якунини бой бериб қўйиш оқибатида бутун савъ-ҳаракатлар зое кетишига ишқибозлар ўрганиб ҳам қолишган эди. Ҳайрият, яхшилик томон ўзгариш бошланган кўринади. Айтинг-айтинг, энди кўз тегмасин.

«ТРАКТОР» — ХАВФЛИ ЗОНАДА

Агар кимдир мавсум бошида Тошкентнинг «Трактор» жамоаси 25 турдан сўнг хавфли зонага тушиб кетмаслик учун астойдил ҳаракат қилишга мажбур бўлади, деса ҳеч ким буни жиддий қабул қилмас эди. Ававалги икки йил ичида чемпионат бошларида ҳатто карвонбошилиқ қилишга журъат этган ўзига хос бу командага нима бўлди? Нега ўйини қовушмаётми? Миллий терма жамоа мураббийлигини қабул қилиб олган Равшан Хайдаровнинг йўқлиги учунми ёхуд бунда биз билмаган бошқа сабаблар борми?

Ҳар ҳолда «Трактор» ушбу мавсумнинг айниқса иккинчи даврасини жуда бўш ўтказаяпти. Жамоа ҳозир эгаллаб турган вазият қолган учрашуларни гоёт йиғинчоқлик билан ўтказишни тақозо этади. Мухлислар 26-турда «Трактор» — «Зарафшон» клублари ўртасидаги баҳсларни ҳозирданок қизиқиш билан қута бошлаганликлари бежиз эмас.

25-турда қуйидагича натижалар қайд этилди. «Кўкон-1912» — «Трактор» —2:1, «Зарафшон» — «Самарқанд-Д» — 2:1, «Сўғдиёна» — «Бухоро» — 1:0, «Насаф» — «Машъал» — 2:0, «Дўстлик» — «Навбахор» — 0:1, «Сурхон» — «Андижон» — 3:1, «Нефтчи» — «Металлург» — 2:0, «Қизилқум» — «Пахтакор» ўртасидаги учрашув 7 ноябрга қолдирилди.

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	23	21	1	1	74-11	64
2. «Нефтчи»	26	19	3	4	67-25	60
3. «Насаф»	25	17	2	6	54-28	53
4. «Қизилқум»	24	16	3	5	57-26	51
5. «Навбахор»	25	12	3	10	44-33	39
6. «Металлург»	25	11	6	8	35-32	39
7. «Бухоро»	25	12	3	10	34-44	39
8. «Дўстлик»	25	10	1	14	30-37	31
9. «Андижон»	25	8	4	13	33-50	28
10. «Сурхон»	26	8	3	15	32-47	27
11. «Самарқанд-Д»	25	8	3	14	22-39	27
12. «Сўғдиёна»	25	7	4	14	25-45	25
13. «Зарафшон»	25	7	3	15	30-43	24
14. «Кўкон-1912»	25	7	2	16	24-52	23
15. «Трактор»	25	6	4	15	26-51	22
16. «Машъал»	24	5	5	14	26-50	20

Тошкент вилояти металлургия ва машинасозлик саноати ҳодимлари қасаба уюшмаси «ТАС-Сила» масъулияти чекланган жамият директори Сайфи Расуллова қизи **ЛОБАРХОН**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БОЛАЛАР НИГОҲИДАГИ КЕЛАЖАК

Самарқанд вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида «Ўзбекистон келахаги болалар нигоҳида» деб номланган ёш рассомлар республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган 70 нафар иқтидорли бола ҳайкалтарошлик, рангтасвир, акварел, графика ва миниатюра йўналишида яратган асарлари билан қатнашди.

Иштихон туманидаги 33-мактаб ўқувчиси Фарҳод Мейлиевнинг рангтасвир йўналишидаги асари олий совринга сазовор бўлди. Вилоят болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази қошидаги тўғарақ аъзоси Парвина Баҳриддинова, Боғишамол туманидаги 45-мактаб ўқувчиси Дониёр Саидқабаров ҳам танлов ғолиби деб топилди. Ғолибларга республика Халқ таълими вазирлигининг дипломи ва эсдалик совғалари топширилди.

ГҶДАК ЙИГИСИНИНГ САБАБИ Турфа олам

Гўдак йиғисини инсон тилига ўғирадиган мослама кашф этилди. Чақалоғининг тинмай йиғлашидан безор бўлган ота барчани қийнаб турган муаммонинг ечимини осонгина топди. Испаниялик Педро Моганас тажрибани аввал ўз фарзандида сынаб кўрди. Сўнг эса юзга яқин гўдакни текширувдан ўтказди. Натижада у беш хил йиғини аниқлаб, уларга нима сабаб бўлишини назарий жиҳатдан исботлади. Назарий

билимлар тезда амалиётга татибик этилди. Янги мослама атигининг йиғирма сония ичида йиғининг қайси турга мансублиги ва унинг сабабларини аниқлаб беради.

«Why cry» деб аталадиган мослама бола нима истаётгани ва нима учун йиғлаётганини осонликча айтиб беради. Йиғининг тури аниқлангач, мослама экраниде чақалок юзини тасвирловчи шакллардан бири пайдо бўлади. Шунга қараб ота-она чақалоқда зеркиш, очлик,

орғик, уйқу ёки зўриқиш ҳолати рўй бераётганини билиши мумкин.

Педро Моганас кашф қилган мослама Испанияда ҳар йили ўтказиладиган Galactica-2002 кашфиётлар танловида иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Янги кашфиёт ёш оналар учун айниқса қулай, деб таъкидламоқда шифокорлар. Нархи ҳам унча қиммат эмас, атиги 100 доллар туради. (ЎзА).

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимҳужаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Махмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dstlink.net; ishonch1@dstlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
 Босишга топшириш вақти - 21.00
 Топшириди - 22.00

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. **Нашр кўрсаткичи:** 133; 134
 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ. Сотуvida эркин нарҳда.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.